

Мактабгача таълим муассасаларида компьютерли таълимий ўйинлардан фойдаланиш имкониятлари

Бегматова Нодира Хакимовна- Амалий математика ва информатика кафедрасининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди,
e-mail: 3171640@rambler.ru.

Ашурева Сожида - мактабгача таълим йўналиши 2-курс магистранти Республикаизда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама ривожланган шахс этиб вояга етказиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури бўлиб, бутун таълим-тарбия тизимининг асосий мақсади бўлган баркамол авлодни тарбиялашга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинганлиги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради [1].


Ушбу Дастур 2017-2021 йилларга мўлжалланган кенг кўламли комплекс тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Унда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитларини яратиш белгиланган. Жумладан, мактабгача таълим сифатини ошириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш чора-тадбирларига алоҳида урғу берилган бўлиб, баркамол авлод тарбиясида ушбу вазифаларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим концепцияси”да ҳам мактабгача таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш зарурлиги кўзда тутилган [2].

Юқорида баён қилинган далиллар мактабгача таълимда мультимедиа технологиясини татбиқ қилиш, тарбияланувчиларнинг компьютер саводхонлигини шакллантириш, уларни компьютер билан элементар тарзда муомала қилишга ўргатиш ва мактаб таълимига тайёрлаш долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади.

Хозирги даврда узлуксиз таълим тизимига татбиқ этиш учун кўплаб таълимий технологиялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ичидан мультимедиа технологияси алоҳида ўрин тутади, чунки мультимедиа технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш таълим сифат ва самарадорлигини оширишга олиб келади. Компьютерли таълимий ўйинлар “Болажон” таянч дастурига киритилган мавзулар доирасида амалга оширилади, масалан, ilk математик тасаввурларни шакллантиришга доир ўйинлар[3].

Бу турдаги компьютерли ўйинларга “Катақни тўлдир” ўйини киради.



1-расм. Мавзуга оид мультимедиа воситасидан лавҳа

(Ўйингача бўлган хол)

(Ўйиндан кейинги хол)

Ушбу таълимий компьютерли ўйиннинг мазмуни бўш катакни моссон билан тўлдиришдан иборат.

“Болажон” дастуридаги юқори ва мактабга тайёрлов гуруҳлари учун мўлжалланган баъзи машғулот мавзуларини компьютер асосида ўргатиш,

масалан, “Илк математик тасаввурларни шакллантириш”, “Саводга тайёрлаш” “Табиат билан таништириш” шулар жумласидандир.

Илк математик тасаввурлардан “5 сонигача қўшиш ва айириш амалларини” бажариш, учбурчак, тўртбурчак ва квадрат шаклларини ўрганиш, саводга тайёрлаш бўйича компьютерда ўйин орқали сўз тузиш, табиат билан таништириш бўйича экологик таълим бериш киради.

Сўз тузишга тегишли машғулотни “Бош ҳарфлардан сўз тузиш” компьютерли ўйини орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Бунинг учун Power Point дастури асосида тақдимот материаллари тайёрланади.

Масалан, бош ҳарфлардан – “ОНА” сўзини тузишга тегишли слайдда қўйидагилар акс эттирилган бўлади. Слайдда – олма, анор ва нок мевалари жойлаштирилади. Слайдга мультимедиавий ишлов ҳам берилади.



2-расм. Мавзуга оид мультимедиа воситасидан лавҳа

Мультимедиавий слайд намойиш этилганда слайд пастида дастлаб О – бош ҳарфи фазода ҳаракатланиб (анимация), сўнгра N – бош ҳарфи анимация асосида келиб жойлашади, ниҳоят A – бош ҳарфи юқоридагидек эфект билан келиб жойлашади ва ниҳоят ONA – сўзи ёзилади.



3-расм. Мавзуга оид мультимедиа воситасидан лавҳа

“Табиат билан таништириш”га доир мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига экологик таълим бериш мумкин. Аввало, экологик таълим уч турга бўлиб чиқилади, яъни, ижобий ва салбий экологик таълим ҳамда компьютернинг болага салбий экологик таъсири.

Мультимедиали компьютерли таълимни амалга ошириш жараёнида релаксация (бода компьютерда ишлагандан кейинги барча толиқишлиарни, жумладан кўз толиқишини бартараф этиш) вақтини аниқлаш ва унга риоя қилиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, компьютерли таълимий ўйинлар ёрдамида тарбияланувчиларнинг компьютер заводхонлиги шаклланади, мантиқий фикрлашлари ривожланади ва таълим материалини ўрганишлари осонлашади ҳамда шу асосда мактабгача таълимда хам ахборот ва инновацион технологиялар татбиқ этилади.

Адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 29.12.2016 й. ПҚ-2707.
2. Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим Концепцияси, – Т. 2008. –25 б.
3. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услугиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. - 257 б.